



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 13 декабрь, чоршанба

№95 (11.280)

Эркин нархда сотилади

ДЎСТЛАР ЯНА УЧРАШАДИЛАР

Азалий дўст, урф-одатларини аънаналари, тарихи бир-бирига уйқаш қорақалпоқ ва ўзбек халқининг муштарак томонлари жуда кўп. Улар Ўзбекистон бағрида меҳнат қилиб, шу Ватанинг гуллаб-яшнаши йўлида фидойилик кўрсатиб келадилар.

Бундан бир неча йил олдин Тошкентда Қорақалпоғистон Республикасининг маданият кунлари бўлиб ўтган эди. Шундан кейин пойтахтимиз вакиллари ҳам қадим тарихга, маданиятга эга бўлган ушбу дийрга ташриф буюргандилар. Азалий дўстлар асримизнинг охириги йилида яна учрашмоқдалар. 15-18 декабрь кунлари Тошкентда қардош халқнинг куй ва кўшиқлари яна баралла янграйди.

Дўстлик байрами деб ном олган ушбу учрашуларда қардош қорақалпоқ халқининг Мирзагул Сапаева, Жўлдасбой Изентаев, Саундиқ Енбергенов, Ибройим Юсупов каби атоқли санъаткорлари, мусавирлари, адаблари иштирок этадилар. Уларнинг энг янги асарлари билан биринчи бўлиб тошкентликлар танишадилар.

Маданият кунларининг тантанали очилиш маросими 15 декабрь куни Алишер Навоий номидаги катта академик театрд бўлади. Шундан кейин унинг қатнашчилари шаҳримизнинг бир қанча

олий ўқув юртларига, корхоналарига, ижодий уюшмаларига ташриф буюрадилар.

Маданият кунларининг кўлами жуда кенг. Бердах номидаги Қорақалпоқ мусиқа театри ўзининг «Оти ўчсин», «Адолатга хиёнат», «Инжиқнинг муҳаббати», «Ота тақдири» каби мусиқали драмаларини намойиш этишни режалаштирган бўлса, Қорақалпоғистон филармониясининг «Айқулаш» ва «Аму тўлкини» ашула ва рақс дасталарининг концертлари барчага баробар манзур бўлишига шубҳа йўқ. Шунингдек, Бердах номидаги симфоник оркестрининг концертлари ҳам дастурдан ўрин олган.

Маданият кунлари қатнашчилари пойтахтимизнинг бир қатор маҳаллаларида ҳам бўлиб маҳалла оқсоқоллари ўзаро тажриба алмашадилар, маҳалла ахллари билан суҳбатлар ўтказадилар. Хуллас, уч кун давом этадиган дийдорлашув икки халқнинг маданий алоқалари тарихида яна бир янги саҳифа бўлиб қолади.

ТАЪСИС ЙИГИЛИШИ

Маълумки, республикамиз Президентининг 2000 йил 31 октябрда қилшқ ҳўжалигидаги иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қилшқ ҳўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига қўрсатиладиган механизациялаштирилган хизматлар даражаси ва сифатини ошириш, қилшқ ҳўжақ замонавий юқори унумли техникани кенг қўллаш, қилшқ ҳўжалик техникасига сервис хизмати қўрсатиш ва уни таъмирлаш, соз ҳўлатда сақлаш тизимини такомиллаштириш мақсадига «Ўзқилшқ ҳўжалик таъминот-тўлатиш» давлат-кооператив қўмитасини «Ўзқилшқ ҳўжақ сервис» уюшмаси этиб ўзгартириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Айни кунларда жойларда ташқиллий ишлар давом этмоқда.

Шу йил 11 декабрь куни вилоят ҳўкимлигида «Тошкент вилояти машина-трактор парклари бирлашмаси» очик акциядорлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Тошкент вилоят «Агромашсервис» бирлашмасини тўлатиш ва «Тошкент вилояти машина-трактор парклари бирлашмаси» очик акциядорлик жамиятини ташқил этиш, жамият уставини тасдиқлаш, жамиятнинг раҳбар органларини сайлаш ҳамда «Ўзқилшқ ҳўжалик таъминот-тўлатиш» давлат-кооператив қўмитасини «Ўзқилшқ ҳўжақ сервис» уюшмаси этиб ўзгартириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Айни кунларда жойларда ташқиллий ишлар давом этмоқда.

Таъсис йиғилишида кун тартибидagi масалалар атрофида қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқимиз 8 декабрда Бош қўмисимиз – республика Конституцияси қабул қилинган кўни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлади. Шу муносабат билан вилоят, шаҳар, туман, корхона, ташқилот, қилшқ ҳўжақ маҳаллаларда кенг қўлмалли тадбирлар ўтказилди. 7 декабрда вилоят ҳўкимлигининг катта мажлислар залда бўлиб ўтган йиғилишида ҳам Конституцияимизнинг моҳияти, Асосий Қўмисимиз берган имтиёзлар ва имкониятлар ҳақида гапирилди.

Бу кўн вилоятиимизнинг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари, ўқитувчилари, маданият, маънавият ва бошқа соҳа ҳўдимлари учў қўшақ байрамга айланиб кетди. Маълумки, истиқлолиимизнинг тўққиз йиллиги байрами муносабати билан улар эл-юрт олдидаги улкан хизматлари, ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий, сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки, миллий мафкура гоғларини рўёбга чиқаришдаги фидойилиги, ватанпарварлиги, ҳалол меҳнати учў Президентимиз Фармони билан мамлакатимизнинг юксак орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонлар билан тақдирланган эдилар.

7 декабрь куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу юксак муқофотларни топшириш маросимига улашиб кетди.

Муқофотларни Тошкент вилояти ўқоми Уммат Мирзақулов топширди. Йиғилишда таъқидланганидек мамлакатимиз ўзига хос, ўзига мос тараққиёт йўлидан дадил одимлаб бормоқда. Ўтган тўққиз йиллик қилшқа фурустада Ўзбекистон халқи ўзининг яратувчанлик меҳнати билан дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин олди. Энг муҳими юртимизда инсон қадр топди, у ўзининг эркига эга бўлди. Қилган фидойи меҳнатлари она-Ватанимиз томонидан муносиб

2001 ЙИЛ – ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ



XX асрнинг сўнги – 2000 йили «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши юртимизда келгуси авлоднинг баркамоллиги ҳар нарсадан улў эканлигини оламга намойиш этди.

Агар ўтаётган йилимизга таъриф берадиган бўлсак, у чини билан ҳам соғлом авлод йили бўлди. Баҳарилан юмушларнинг гўнда ранг-баранглиги, кенг қамровлиги билан диққатга сазовордир. Хусусан, вилоятиимизда узлуқсиз ўтказилаётган маънавий, тиббий, маданий анжуманлар, хайриялар то ҳанўз давом этаётди. Қадр ростлаган шифо масканлари, боғчалар, мактаблар соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимларининг янада такомиллашганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу савобли ишлардан ҳеч ким четда қолгани йўқ.

Айни пайтда соғлом авлодни тарбия қилиш учў яна ҳам кўпроқ меҳнат қилмоғимиз зарур. Чўнки бир йил мобайнида қўзлаган максадларнинг барчасини адо этиш мушқул. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Ислам Каримов қилинган ишларга баҳо бера экан, жўмладан шўндай дедилар: «Жондан азиз Ватанимизнинг тақдири, келажакимиз бугўн унўб-ўсиб келаятган ёш авлодга, унинг жисмоний ва маънавий камолотига боғлиқ эканини ҳар бир юрдошимиз тобора теган

англаб бораётгани барчамизни чексиз қувонтиради ва янги эзгу ишларимизни давом эттиришга, аввало унўб-ўсиб келаятган ёшларимизга, ҳаётимиз қўриқ, меҳр-муҳаббат тимсоли бўлган барча оналарга нисбатан эътиборни янада қўчатиришга даъват этади... Шу муносабат билан мен ХХI асрнинг биринчи йилини, яъни қириб келаятган 2001 йилни мамлакатимизда оналар ва болалар йили деб эълон қилишни тақлиф этмоқчиман».

Демак, янги асрнинг йилбошиси оналар ва болаларга бахш этилди. Бўнда жуда теган мазмўн ва масъулият мужассам. Дилимизда тошган эзгу ниятларимизни оналар ва болаларга аташ, бу йўлда тер тўкиш, ва интилиш ҳаммамизнинг юксак инсоний бурчимиз бўлиб қолади.

Халқимизда ажойиб нақл бор: «Она бешикни тебратар, бешик болани тебратар, бола дўнўни тебратар». Канчалик латиф узвийлик! Дарҳақиқат, онани бешиксиз, бешикни боласиз, дўнўни эса боланинг шўх қўлгуларисиз тасаввур қилиш мумкинми? Янги аср бўсағасида ният қилайлик: бешик тебранаверсин, оналарнинг ҳаётбахш қўшиги – алла жаранлайверсин. Ота-боболаримизга, буюқ аждодларимизга муқаддас бешик бўлган она заминимиз бағрида буюқ авлодларимиз воғя етаверсин.

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабрь куни эрталаб соат 10да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 13 декабрь куни соат 9.00дан 18.00га қадар ва 14 декабрь куни соат 8.30дан 10.00га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Обўна — 2001

ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИБ ҚОЛСИН

Ўзбекистонимизда 700 дан ортик нашрлар чоп этилса, уларнинг ичида «Тошкент ҳақиқати»нинг ўзига хос ўрни бор. Газета саҳифаларида нафақат Тошкент вилояти ҳаёти, балки, ўқувчиларни қизиқтирган барча мавзулардаги материаллар топилади. Унинг 50дан ортик рўқнида сизни қизиқтирадиган, тасаввурингизни бойтадиган, бири-бирини ўқилиши материаллар эълон қилинади. Айниқса «Дилқаш суҳбатлар», «Ибратнома», «Бекажон», «XX асрнинг сўнги қолдузлари» каби руқнлар борки, уларни қизиқиб ўқиймиз.

Мен бу йил ҳам биринчилардан бўлиб «Тошкент ҳақиқати»га обўна бўлдим. Барчага шўни айтмоқчи эдим: вақт жуда оз қолди, тезроқ эъзингиз. Сабаби, тахририятнинг келгуси — ХХI асрнинг илк йилидаги режалари ҳам катта экан. «Сўнгги пушаймон» — ўзингга душман», дейдилар. Қардон дўстимиз «Тошкент ҳақиқати» ақралмас ҳамроҳингиз бўлиб қолсин.

**Турсўнхўжа
АЗЛАРҲОНОВ,
меҳнат фахрийси,
газетамизнинг доимий
муштарийси.**

ВИЛОЯТ ҳаёти

БАЙРАМ КўНГИЛЛИ ЎТАДИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги мактаб ўқувчиларини, жамжи болақайлар ва қизалоқларни янги йил арафасида ҳамда таътил кўнларида ажойиб мўғжизалар кўтмоқда.

Шаҳарнинг марказий майдонида катта арча қадр ростлайди. Арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз болажонларга янги йил совғаларини улашади. Шаҳар маданият ишлари ва «Қамолот» жамғармаси шаҳар бўлимлири биргаликда карнавал оқшомларини ўтказишни режалаштирганлар.

Энг муҳими, «Ўткир»

хусусий фирмасига қарашли «Наврўз» савдо мажмуида «Президент арчаси» салобат тўқиб туради. 30-31 декабрь кўнлари ногирон болалар, кам таъминлаган оилалар фарзандларидан 400 нафарига Республика Президентининг махсус янги йил совғалари тантанали равишда топширилади.

Зухра ҲАЙДАРОВА.

ҲОМИЙЛАР СИЙЛАШДИ

ОЛМАЛИҚДАГИ 10-қасб-хўнар мактабининг залида катта дастурхон эъзилди. Унга шаҳардаги юз нафарга яқин кексақ ёш ногиронлар тақлиф этилди. Уларга дошқозонда тайёрланган ош тортилди.

Шаҳардаги қатор жамоат ташқилотлари, чўночи «Қизил ярим ой жамияти», «Соғлом авлод учўн», «Эқосан» жамғармаларининг шаҳар бўлимлири, қатор тад-

биркорлик тузилмалари, дўқонлар жамоалари бу хайрли тадбирнинг ҳомийлари бўлишди. Улар ногиронларга ўзларининг совға-саломларини ҳам тарқатдилар.

Ўз муҳбиримиз.

МУРУВВАТ ДАСТУРХОНИ

ОҚҚўРҒОН туманидаги кам таъминланган оилаларда яшовчи ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатилди.

Туман хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан турли соҳа ва ёшдаги 50 нафар ногиронлар учўн меҳр-мурувват дастурхони эъзилди. Ҳар бир ногиронга қиймати 2000 сўмлик турли ноз-неъматлардан

иборат совға-саломлар улашилди. Ногиронларни хўшнўд этган ушбу тадбирга «Маҳалла» жамғармаси ва «Шодлик» агрофирмаси ҳомийлик қилдилар.

Самад Йўлдош.

ИБРАТЛИ ҚАЙНОНА

ПАРКЕНТ тумани хотин-қизлар қўмитаси «Ибратли қайнона» қўриқ-танловини ўтказди.

Катта ижтимоий аҳамиятга молик ушбу тадбир аввал туман қизалоқларида ўтказилди. Ана шу танловларда қўлиб деб топилган 7 нафар қайнона туман босқичида қатнашди. Унда Қорақалпоқ қилшқ-

ғидан уч келиннинг қайнонаси Назира Мажлимова тумандаги энг ибратли қайнона деган шарафли номга сазовор бўлди.

Энди у қўриқ-танловнинг вилоят босқичида иштирок этади.

Ўз муҳбиримиз.

ЎН ЁШЛИ «СўҒДИЁНА»

ЧИРЧИҚ шаҳрида иш олиб бораётган «Сўғдиёна» тожик миллий-маданий маркази ўн йилдан бери ибратли ишларни рўёбга чиқариб келмоқда.

Шу муносабат билан шаҳар маданият уйида бўлиб ўтган тадбирда сўзга чиққан Миллий университет тиллар маркази директори, профессор Д. Саъдуллаев, доцент Х. Ўролзода, «Гулзор» маҳалласи оқсоқоли С. Усмонов, 25-мактаб ўқитувчилари С. Шобобоева, О. Абдураҳмоновлар марказ халқлар

ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, мактаб ўқувчиларини зарур қўлланмалар билан таъминлаш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашда доимо бош-қош бўлиб келаятганини таъқидладилар. Тадбир сўнгида бадийий ҳаваскорлар дастаси қўшиқ ва рақслар билан йиғилганларни мамнўн этдилар.

Баҳора УСАРОВА.

ЕТТОВЛОН ҚАЙТИБ

КЕЛДИ

«НУРОНИЙ» жамғармаси Охангарон шаҳар бўлимининг раиси, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ҳўдими Ақром Аъзамовнинг саъй-ҳаракатлари билан, Охангарондан жўнон уруши жангоҳларига бир оиладан жўнаб, бедарак кетган етти ўғлоннинг исми-шарифлари, қабрлари аниқланди.

Шаҳардаги уларнинг рамзий қабри устига «Охангаронцемент» ҳисадорлик жамияти ташаббуси билан ёдгорлик ўрнатилди. Ҳамза, Ҳамро, Қамбар, Ибо, Турди-

бой, Мадраис, Кенжа ўрозилеларнинг номлари бундан бўён охангаронликлар эъзозида бўлади.

Нурали АБДУРАСУЛОВ.

Вилоят ҳўкимлигида

СИЗГА ШАРАФ, СИЗГА ШОН!

баҳо топмоқда. Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги муносабати билан бир гуруҳ хамюртларимизнинг Ватанинг муқофотлари билан тақдирланганлиги бунинг яна бир исботидир.

Тошкент вилоятида ҳам юрт равнақи ва истиқболи йўлида ҳалол меҳнат қилаётган фидойи инсонлар жуда кўп. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ислохотлар чуқурлашиб бормоқда. Ишлаб чиқариш кўлами кенгаймоқда. Шаҳар ва қилшқларимизда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Узоққа бормайлик, Истиқлол айёми арафасида вилоят ҳудудида 200дан ортик янги қурилушлар фойдаланишга топширилди. Шу кўни ана шўндай катта ишларнинг бошида турган, бу йўлда ўзининг фидойи меҳнати билан алоҳида ўрнак

қўрсатган вилоят меҳнатқашларининг бир гуруҳи алоҳида шарафландилар.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан хамюртларимиз ўзларига билдирилган бундай юксак ишонч, ҳўрмат ва эътибор учўн ҳўкуматимизга, Президентимизга ўз миннатдорчиликларини билдирар эканлар, бундан бўён ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда, янгилашларда фаол иштирок этажақларини изҳор этдилар.

Биз ҳам уларни юксак му-



кофот билан қўтлар эканмиз, сизга шараф, сизга шон, деймиз.

Ўз муҳбиримиз.

СУРАТДА: муқофотларни топшириш пайти.

Анда **САЙТОВА** олган сурат.

ЭНГ УЛУҒ БАХТ

Асримизнинг сўнги — 2000 йилининг 8 декабри фавқуллодда вазиятлар вазирлигига қарашли Н-қисм аскарлари ёдида бир умрга қолади. Конституциямиз қабул қилинган байрам кунда шу қисмининг ёш аскарлари ҳарбий қасамдод қабул қилдилар.

Майдонда қисмининг шахсий таркиби саф тортди. Қисм командири Худийёр Сапарбеков Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда вазиятлар вазири генерал-майор Баҳодир Қосимовга шахсий таркибининг ҳарбий қасамдод қабул қилишга тайёргили ҳақида ахборот берди.

Майдонда навбат билан ёш аскарларнинг овозлари жаранглай бошлади. Аскарлардан Нодир Ниёзматов, Намозбек Қодиров, Сергей Туркенов, Акмал Атамуродов, Нодир Абдуллаев ва бошқалар ота-оналари, дўстлари, командирлари ҳузурда қасамдод сўзларини баралла фаҳр ҳамда гурур билан такрорладилар.



Мардлар кўриқлайди Ватани

Шундан сўнг аскар ота-оналари номидан Самарқанд архитектура ва қурилиш институтини маънавият ва маърифат кенгаши раиси Асмиқ Енгилбарян, қисм оталигидаги 5-ўрта мактаб директори Қодиржон Эргашев ва оддий аскар Нодирбек Ниёзматовлар сўзга чиқдилар. Тантаналарда Чиноз ту-

мани ҳокими Ўткир Абдураҳимов ёш аскарларни таъриқлади.

Қисмининг шахсий таркиби оркестр садолари остида сафда юриш маҳоратларини намойиш этдилар.

Абдуҷалол РАҲИМОВ. СУРАТДА: ҳарбий қасамдод онларидан бири.

КИЧИК ЖАМОАНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Бу қорхона вилоятдагина эмас, балки республикада ҳам ягона ҳисобланади. Ангренда жойлашган унинг кичик жамоаси жуда мураккаб ва масъулиятли вазифани бажаради. Мамлакатимиз барча ҳудудларида жойлашган иссиқлик электр станцияларидаги қозонларни қурулмалардан тозалаш унинг зиммасига юклатилган.

«Қозон тозалаш қорхонаси» деб аталувчи бу ҳисдорлик жамиятининг меҳнат аҳли жорий йилининг бошидан бери Тошкент, Сирдарё, Янги-Ангрен давлат иссиқлик электр станцияларидаги катта ҳажмли қатор қозонларни қурулмалардан тозалаш ишларини амалга оширишди. Бажарилган жами иш ҳажми ўн ойда 182 миллион сўмликдан ҳам ошиб кетди. Бу шу давр учун белгиланган режадагидан анча кўпдир.

ҲАМИД СОБИРОВ.

ЯНГИ ТАЯНЧ МАСКАНЛАРИ

Ички ишлар идоралари ходимлари учун яратилаётган шарт-шароитлар оқоридаги фикрларимизга далил бўла олади.

Илгарилари Ўртаҳирчиқ туманидаги Қорасув маҳалласида уюшқа нозир ишлайдиган тузукроқ таянч масканни йўқ эди. Вилоят Ички ишлар бошқармаси, Ўртаҳирчиқ тумани ҳокимлиги ва Қорасув маҳалласи фаолларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида «Тошкент – Бекобод» йўналишининг Тўйтепа шаҳрига қираверишида замонавий техника воситалари ҳамда компьютерлар билан қурулланган Қорасув маҳалласи биринчи сонли милиция таянч масканининг янги биноси қад кўтарди.

Шу кун бу ерга ташриф

Осойишталик посбонлари

буюрганлар иштирокида ўтказилган митингга Қорасув фуқаролар йиғини раиси Раҳмат Рўзиев, маҳалла участка нозир, милиция капитани Баҳром Тоиров, виллоят Ички ишлар бошқармаси бошлигининг муовини, милиция подполковниги Фуқрат Тангибоев ва бошқалар дил сўзларини изҳор этдилар.

Улар ички ишлар идоралари ходимларига қўрсатилаётган ғамхўрликларга муносиб бўлиш ҳар бир ходимнинг асосий бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шундан сўнг қурилиш ишларида алоҳида намуна қўрсатган ИИБ ходимлари ҳамда қурилиш мутасаддилари виллоят ИИБ бошлигининг фахрий ёрликлари билан тақдирландилар, уларнинг ҳар бирига қимматбаҳо совғалар инъом этилди.

Бугунги кунда ҳамоёрларимизнинг тинч-осойишта умргузаронлик қилишлари учун уларнинг ҳақ-хўқўқларини ҳимоя қилиш, ёмон қўзғалдан ҳар хил таъвоулардан асраш ички ишлар ходимлари олдида турган асосий ва бирламчи вазифалардандир. — дейди виллоят Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг муовини.

милиция полковниги Меҳмонхўжа Собиров. — Албатта, виллоят Ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати раҳбариятининг ходимларга ғамхўрлик қўрсатиши, уларга мукамал иш шарт-шароитларини яратиш борасида талайгина ишларни амалга оширди. Шуниси қувончлики, оддий қишлоқ виллоят Ички ишлар бошқармаси ходимлари ўтказган тадбирларда бажонидил иштирок этишмоқда. Улар ходимларимиз билан умумий тил топишга, улар билан биргаликда ҳамкорлик қилишга интилоқдалар. Ана шуниси ҳаммамизни қувонтиради.

Дарҳақиқат, одамлар тинчлик ва хотиржамликларини қўриқловчи эл побонларига ишонадилар. Уларга ҳар жиҳатдан қўмак беришга ошқандадилар. Чунки ўз навбатида ички ишлар идоралари ходимлари ҳам одамлар ҳақ-хўқўқларининг ҳимоячиларига айланиб бормоқдалар.

Шу кун Ички ишлар бошқармаси бошлиги, милиция полковниги Шораҳим Расулов, «Марказий» маҳалласидаги милиция таянч масканининг очилиш маросимларида ҳам, оддий одамлар ва ички ишлар идоралари ходимларининг яқинлиги, ҳамкорлиги кўзга яққол ташланган турди.

Тадбирда сўзга чиққан Оққўрғон тумани ҳокими Абдуғани Дехқонбоев, виллоят Ички ишлар бошқармаси бошлиги, милиция полковниги Шораҳим Расулов, «Марказий» маҳалласи оқсоқоли Тўлқун Бойназаров ва бошқалар ички ишлар идоралари ходимларининг ҳақ билан ҳамкорлигини доимий бўлиб қолишига тилак билдирдилар.

Шу кун Оққўрғон тумани ҳокимлиги томонидан «Марказий» таянч маскани иштирокида «Дамас» автомашинаси совға қилинди.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Бугунги ҳаракат — эртанги барақат

ҚИШ БЕКОРЧИЛИК ЭМАС

Бу гапга амал қилаётган деҳқонлар, боғбон ва соҳибкорлар кузги-қишқи агротехника тадбирларини маромиди бажаришга ҳаракат қилмоқдалар

фойдаланилган ҳолда режадагидан анча ортқ майдонда галла етиштириш учун замин яратилган. Туман деҳқонларининг тажрибали етарли, галлани экиб қўйган билан иш битмаслигини, яъни каттиқ қиш бошлангунча, экиннинг қўқур илдиш отиб, тўрт-бештадан тўп ёйиши зарурлигини яхши тушунишди. Шу боис, улар бугунги кунгача режаланган 780 гектар ўрнига 2110 гектар майдондаги галлани озиклантиришди. Мўлжалланган 2450 гектар ердаги галла бир марта қондириб сўғорилди. Кузги парвариш ўрнига қўйилгани боис, ҳозир 2000 гектардан зиёд майдондаги галла иккитадан, 1700 гектарда уч-тўрттадан тўп чиқарди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил ҳосили учун кузги-қишқи агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишга қаратилган қарори ҳамда виллоят ҳокимлигининг шу қарорнинг ижроси юзасидан ишлаб чиққан тадбирлар дастурида барча экин майдон-

ларини барвақт қўқур шудгорлаб қўйишга алоҳида эътибор қаратилган. Туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси берган маълумотларга қараганда, бу тошриқ ҳам юз фоиз бажарилган. Чунончи, галла, боғ ва тоқзорлардан ташқари сабзавот ва бошқа турдаги экинларга мўлжаллаб, кузги шудгор учун ажратилган 1826 гектар ер сифатли ҳайдаб қўйилди.

Маълумки, мевачиллик ва узумчилик туман қишлоқ ҳўжалигида салмоқли ўринларни эгаллайди. Лекин, боғ ва тоқзорлардаги кузги-қишқи юмушларнинг бажарилишини бугунги кун талаблари даражасида деб бўлмайди. Масалан, мавҳуд 2205 гектар меваги боғларнинг эндигина 340 гектарида дарахларга шакл берилгани ташвишли ҳолдир. 776 гектар ердаги тоқзорнинг ҳали ярмидан кўпи кесилмай турибди.

Ички ва ҳўжаликлараро

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилги ҳосил учун кузги-қишқи тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Янгийўл туманидаги Назарали Ниёзов номи ширкат ҳўжалигида пахта майдонларини гўзапоядан тозалаш, пешма-пеш шудгорлаб қўйиш учун бор техника имкониятларидан тўла фойдаланилмоқда. Бу муҳим агротехник тадбирни ўтказишга сафарбар этилган механизаторлар, айниқса, «Магнум» тракторларини юксак унум билан ишлатмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: бош ҳосилот (ундан) Абдумутал Эминов пудратчи Дилмурод Юнусов билан шудгорнинг сифатини кўздан кечирмоқда; шудгорлаш пайти.

Дилшод АХМЕДОВ олган суратлар.



АЛОҚА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Темир йўлларда алоқа воситаларининг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида виллоятимизнинг темир йўл бекатларидаги эскирган «ПО-НАБ» русумли ускуналарни янги-гилари билан алмаштириш ишлари олиб борилмақда. Чиноз темир йўл бекати шу усулда кайта жиҳозланди.

Салор-Хўжакеч ораллигидаги 10та бекатда маркалаштирилган диспетчерлик курилмаларининг ўрнатилиши телефон-телеграф алоқаси хизматини янада яхшилаш имконини берди. Истиқбол режасига мувофиқ виллоят ҳудудидagi яна қатор темир йўл бекатлари ҳам ана шундай ишончли алоқа воситалари билан жиҳозланади.

Ақбар АЛИЕВ.

Вилоят «Экосан» жамғармаси томонидан кейинги пайтларда қўллаб-қўллаб қўйилган алоқа воситалари олиб борилади.

Жамғарма тарафидан Олмалиқ шаҳрида яшовчи бир ёшдан ўн ёшгача бўлган 38та ногирон болаларга омонат дафтарчаларининг очилганлиги ҳам «Экосан»нинг навбатдаги савобли ишларидан бири бўлди.

1000 сўм миқдорда очилган омонат дафтарчалари 20 йил муддатга мўлжалланган бўлиб, ойига 20 фоизга кўпайиб боради.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ.

«ЭКОСАН»НИНГ НАВБАТДАГИ МУРUVVATИ

Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасида замондош француз ёзувчиси Жан-Мари Гюстава Ле Клезионинг ўзбек тилига ўғиртилган «Мондо ва бошқа ҳикоялар» номидаги китоби тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Жак-Андре Костиль икки мамлакат ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари тобора усиб бораётганини таъкидлаб, «Мондо ва бошқа ҳикоялар» асари Франция элчихонасининг фран-

ЛЕ КЛЕЗИО ҚАҲРАМОНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

циялик муаллифлар асарларининг Ўзбекистонда чоп этилишига қўмаклашувчи «Навоий» дастури доирасида ўзбек тилида нашр этилганини қайд этди. Мазкур китоб — Франция элчихонаси билан ҳамкорликда мамлакатимиз Мустақиллиги йиллари чоп қилинган бешинчи асардир. Булар Франсуа Мориак қаламига мансуб «Илонлар тўдаси», Вольтернинг «Задиг», «Перро эртақлари» (молиявий

жиҳатдан «Томсон» фирмаси билан ҳамкорликда чиқарилган) ва нҳоят, Монте-кьенинг ўтган йили ўзбек тилида чоп этилган «Форс мактублари» асарларидир. Мазкур асар ҳам болаларга, ҳам катта ёшдагиларга мўлжалланган бўлиб, уни фалсафий эссе, деб аташ мумкин. Ле Клезио новеллаларида қаҳрамонлар ўспиринликка хос бўлган иккиланшилар гирдобига тушиб қолиб, катта ёшдагилар-

нинг шу қадар мураккаб бўлган дунёсини англаб етишга ҳаракат қилади.

Асарни фаранг тилидан мутаржим Шоазим Миноваров ўзбек тилига ўғирган. «Мондо ва бошқа ҳикоялар»нинг унинг нусхаси Ўзбекистондаги шаҳар университет ва мактаб кутубхоналарига тақдим этилади.

Ж. ДЕХҚОНОВ. «Жаҳон» АА.

Миннатдорчилик

ҲОЖАТБАРОРЛАР

Иккинчи жаҳон уруши ноғирониман. «Овнуноғим» телевизор ва радио бўлиб қолган. Улар орқали жаҳонда ва мамлакатимизда содир бўлаётган воқеалардан хабардор бўлиб тураман. Яқинда улар олдинда кейин бўзилиб қолди. Янги-ларини олишни ҳамён кўтармасди, шу сабабли уларни таъмирлашдан бошқа йўл йўқ эди.

Шу мақсадда қишлоғимиздан саккиз километр узоқликда — туманимиз марказида жойлашган телерадио анжонларини таъмирловчи устaxonага боришга тўғри келди. Унинг ходимлари мени илқ қутиб олишди. Усталардан Равшан Қайюмов, Бўрибой Назаровлар телевизорни ҳам, радиони ҳам тузатиб бердилар. Бунинг устига ноғиронлигимни кўриб, ўз шахсий автомашиналарида мени уйга элтиб қўйишди. Ҳозир телевизор ҳам, радио ҳам ишлаб турибди.

Мен устaxonанинг шундай ширинсухан, хожатбарор ходимларига газета орқали ўз миннатдорчилигимни билдиришни истардим. Уларнинг моҳир кўллари ҳеч вақт дард кўрмасин.

Айдин ТЎЛИЕВ, Пскент туманидаги Х. Қодиров номи жамоа ҳўжалиги.

Қишлоқ ва ислохот

Ҳар бир инсон қайси соҳада банд бўлмасин меҳнати, қадрланаётганини амалда ҳис этса, мўлжал қилиб қўйганида меҳнат кўрса, ҳеч сўзсиз унинг ўз касбига бўлган меҳри ортади. Бошқалар ҳам унга эргашадилар, ўрнак оладилар. Шу тариқа умумий иш юксалади. Қиёра туманидаги «Лимонарий» ширкат ҳўжалиги пудратчи деҳқонлари ҳақида ҳам ана шундай гапларни айтиш жоиздир.

ПУДРАТЧИЛАР

БУ ЕРДА ҳамisha иш қизғин. Йигирма тўрт гектарлик иссиқхона эса ҳўжаликнинг неғизи, юраги ҳисобланади. Деҳқонларнинг тадбирдорлиги, ишбилармонлиги тўғрисида бу юрак йилининг ўн икки ойи давомида бир меёрда уриб туради. Бу деганимиз — ҳўжаликда ҳар бир тадбир вақтида бажарилади. Шунинг учун ҳам эл учун тансиқ бўлган маҳсулот етиштириш жараёни узулсиз давом этади.

Қайси фаслда ҳўжаликда бўлмун — пишиқчиликнинг гувоҳи бўласиз. Бу бежиз эмас. — Биласиз, — дейди «Лимонарий» ҳўжалиги бошқаруви раиси Абдуманнон Юсупов, — аввало энг сара ва уста деҳқонлар ширкатимизга аёзо қилиб олинган. Улар ширкатнинг қонун ва талабларини беш кўлдек биладилар, унга қатъий амал қиладилар. Полик ва ҳалолликни эса шират қилиб олганлар. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Ширкатчи ўз мулкнинг дахлсизлиги учун қурашибгина қолмай, фидокорона меҳнати билан бу мулкни асраб-авайлаб, боийиб боради. У ҳар бир квадрат метр майдондан энг юқори ҳосил олиш учун нимаки қилиш зарур бўлса ҳаммасини амалга оширади.

Йил якунига оид кўрсаткичлар иссиқхона сабзавоткорларининг ҳақиқатан ҳам фидойи ва жоқуярликларига далolatдир. Ҳозирги кунга қадар ҳўжалик бўйича жами 110 тонна помидор, 18 тонна бодиринг, 9 тонна ошқўк, 27 тонна цитрус ўсимликлари ҳосили етказиб берилди. Бунда Рихсиёв Қосимов, Саломхонидин Муслимов, Равшан Вақосов, Ёркин Ғаниев сингари пудратчи деҳқонларнинг ҳиссаси катта. Улар ҳар бир квадрат метр иссиқхона майдонидан олти килограмдан помидор топиришди.

— Йил охирига, — деб айтишмоқда улар, — бу кўрсаткиччи етти-саккиз килограм-

мга етказишимиз мумкин. Чунки бизда бунинг учун имконият бор. Ҳўжалик билан обдон ўйлаб пухта қилиб тузилган шартномада бизга қатъий имтиёзлар берилган. Бу имтиёзларнинг моҳияти шундаки, маъмурият сабзавот етиштириш учун зарур бўлган воситаларни ўз вақтида етказиб бериб туради. Биз ҳам шунга яраша эришмай ишлаймиз. Ҳамisha мўл ҳосилни қўзғаймиз.

Ширкат ҳўжалиги деҳқонлари очик майдондаги сабзавот далалари, мевазорлардан ҳам унумли фойдаланмоқдалар. Шу кунгача 408 тонна ўрнига 1280 тонна сабзавот маҳсулоти топиришди. Ва демакки, бу борадаги режа уч хиссадан ошириб бажарилиди. Шунингдек, 44 тонна ўрнига 50 тонна мева топиришди.

Табийки, ҳўжаликнинг истиқболли, келажаги қишлоқнинг обод ва кўркам бўлиб бориши қанча маҳсулот етиштирилиб, сотилаётганига билан бирга кўпроқ олинаётган даромад, соф фойда билан ҳам белгиланади. Бунинг пудратчилар ҳамisha назарда тутадилар, шунинг учун ҳам сифатли ҳосил етиштиришга биринчи даражали эътибор берадилар. Бу борада қилинаётган ишлар, кўрсаткичлар эса мазташга арзугуликдир. Тўққиз ой давомида олинган соф фойда 20 миллион сўмни ташкил этди. Бу фойданинг маълум бир қисми ил охирида одамларга муқофот тариқасида тақсимлаб берилди. Ободончилик ишларининг қўламини қенгайтиришди. Туман миқдосиди ҳайрия, саховат ишларида ҳам ширкатчилар фаоллар. Саховат эса меҳнат кишисининг умр мазмунини бойлагани, дилини шод, икки дунёсини обод этади.

«Лимонарий»да ана шундай саховатли инсонлар меҳнат қилмоқдалар.

Носир РИХСИЕВ.

ШАҲРИСАБЗ ЮНЕСКО РЎЙХАТИДА

ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатида шу кунга қадар Ўзбекистоннинг икки тарихий обидаси – Хивадаги «Ичон қалъа» ва Бухоронинг тарихий маркази киритилган. Жаҳон мероси қўмитасининг ноябрь ойи охирида Австралияда бўлиб ўтган йиғилишида мазкур рўйхатга дунёдаги ноб тарихий ёдгорликларнинг олтин биттаси қаторида, Ўзбекистоннинг Шаҳрисабз шаҳри ҳам киритилди.

Жаҳон мероси рўйхатида киритилган тарихий обидалар халқро ҳамжамият муҳофазасида бўлади. Уларни келажақ авлодга шу ҳолида етказиш учун бутун инсоният бирдек қайғуради. Таъмирлаш ва

сақлаш ишларида бевосита ЮНЕСКОнинг моддий ва маънавий ёрдамига таянади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг мазкур тарихий обидалари Франциядаги Нотр-Дам

(Биби Марям) ибодатхонаси ва Версал саройи, Италиянинг Венеция ва Флоренция шаҳарлари, Миср эҳромлари, Ҳиндистондаги муштам Тож-Маҳал макбараси, АҚШдаги Озодлик ҳайкали, Индонезиядаги Боробудур қасри каби жаҳоннинг машҳур тарихий ёдгорликлари билан бир қаторда туради.

Маълумотларга кўра, 2001 йили мазкур рўйхатга киритиладиган тарихий дурдоналар қаторида қадим Самарқанд шаҳрининг ҳам номзоди бор.

(ЎЗА).

ТАНИШУВ ДЕБОЧАСИ – ТАОМЛАРДАН

Ўзбек халқини индонезияликлар ҳаёти билан яқиндан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Индонезия элчихонаси бир қатор тадбирлар уюштиришни режалаштирган.

Индонезия пойтахтидаги «Буми Ташкент Интернэшнл» меҳмонхонасида очилган ва икки кун давом этадиган Индонезия миллий таомлари фестивали ана шундай тадбирлар дебосасидир. У Индонезия элчихонаси, «Бузел» уяли алоқа компанияси ҳамда мазкур меҳмонхона ташаббуси билан ўтказилляпти.

Халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришни ва шу орқали мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик қўламлигини кенгайтиришни назарда тутувчи ушбу тадбир давомида иштирокчиларни Индонезия миллий рақс ва мусикаси намуналари билан ҳам таништирилади.

Шоира
АБДУШОҲИДОВА.

ГЎЗАЛ ТАСВИРЛАР

Республика Кино уйида Ўзбекистон халқ рассоми, академик Алишер Мирзо ижодий ишларининг Ўзбекистон Бадий академияси, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон давлат Санъат музейи томонидан ташкил қилинган кўргазмаси очилди.

Унинг асосий қисмини мусаввирнинг сўнгги икки йил давомида яратган 50 дан зиёд рангтасвир асарлари эгаллаган. Сербёёк, ёрқин ва мазмунан теран, юксак маҳорат билан ишланган воқеабанд композициялар мавзусининг кизиқарлиги билан эътиборни тортади. Айниқса, мусаввирнинг «Ижодий ватани» бўлган Сўқоқ қишлоғи манзаралари, ноз-неъматлари, очик чех-

рали, самимий кишилари акс эттирилган мукаммал бадий образли тасвирлар кенг қамровли хусусиятларга эга эканлиги сабабли алоҳида ажралиб туради. Мўйқалам соҳиби атроф-муҳитдаги ҳеч бир воқеа-ҳодисани, гўзаллик-ка, нафосатга ҳизмат қилиши мумкин бўлган нарсани диққат-эътибордан қочирмайди. Бадий тасвирдаги ўзига хос ифодасини, ноб тарқинини топади. Бадий сифатлар

«Келинчақ», «Гуллар», «Сўқоқ», «Кузги натюр-морт», «Қизил тоғ», «Сўқоқ тонги», «Қуз мевалари», «Натюрморт гуллар», «Меҳмондўстлик», «Жўжа-хўрозлар» каби суратларида яққол намоён бўлган.

Алишер Мирзонинг ижодий фаолияти тасвирий санъат илҳомсманлиги қалбига, шуғрига нафосат бағишловчи қирраларга бой. Йигирма биринчи аср бўсағасидаги мусаввирнинг томошабинлар – эли, юрти олдидagi ўзига хос дил изҳори, ҳисоботи бунинг далили бўла олувчи воқеадир.

Баҳром ТУРСУН.

Бу китобни ўқинг

«МЕНИ ЁД ЭТ»

Фахриддин Умаров ўзбек миллий санъатида, хусусан, қўшиқчилигимизда ўзига хос мактаб яратган санъаткорлардан биридир. Қарийб ярим асрдирки, хофизнинг қўшиқлари барчага завқ-шавқ улашмоқда. Ярим аср сахнада қўшиқ айтиб, эл меҳрини қозонмоқ, халқнинг назаридан қолмаслик қатта бахт. Бироқ бу бахтга қандай етишмоқ мумкин?!



Умаров ҳаётида кескин ўзгаришлар юз беради. Илк илҳомий Пскент туманидаги маданият уйида бошлаган ёш хонанда беназир истеъдоди борлиги туфайли тез орада халқ кўнглидан жой олади.

Китобда воқеалар ривожига жуда содда ва янгича усулда равоён ёзилганлиги билан ҳам диққатга молиқдир. Унинг саҳифалари иккига ажратилиб, юқори қисмида хофиз хотиралари ва унга китоб муаллифларининг турлича фикр-мулоҳазаларидан ташкил топган изоҳлари баён этилган бўлса, пастда буюк санъаткор ҳақидаги Қажрамон шоирларимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари эл севган қаламкашлар, таниқли маданият, санъат арбоблари, қўйинг-чи, оддий ўқитувчидан тортиб, олийгоҳ талабасининг ҳам мулоҳазалари жамланган.

Бир сўз билан айтганда китоб хофиз муҳлис-корнинг ёт элларда кўрган азобларини сўз билан ифодалаш қийин. Узоқ вақт давом этган сарсон-саргардонликдан сўнг урушдан кейинги йилларда Фахриддин

Ким айтар, кесакдан чиқмиш чақинлар,
Ҳаёт бор яшаркан сафда сотқинлар,
Элнинг ардоғида сиздек оқинлар,
Ўзбекининг фахрисиз, Фахриддин ога!

Ғайратжон ШЕРАЛИЕВ,
ЎЗМУ журналистика куллийети
биринчи курс талабаси.

УЧ АКА-УКА БОТИРЛАР

Хориж сафаридан ўзларининг оилавий медаллари шодасини яна бешта олтин ва иккита кумуш медал билан бойитиб қайтидилар.

ВЕНГРИЯДА 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўрта-сида курашнинг каратэ-до тури бўйича ўтказилган жаҳон кубоғи мусобақалари вилоятимиз вакиллари учун омадли бўлди. Бекободлик ёш,

Каратэ

аммо, ҳозирданок юртимизга танилиб қолган ака-ука Аъзам, Фаррух ва Парвиз Абдумавлоновлар республикаимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Аъзам ва Фаррух тенгқурлари билан баҳсларда ҳар бири иккитадан олтин ва биттадан кумуш медалларни қўлга киритдилар. «Кенжа ботир» ҳам жаҳон кубоғи мусобақаларида қўлишмай «жанг» қилиб, битта олтин медал соҳиби бўлди.

Факультет жамоати пул тарқатувчисининг олдида одамлар у қадар кўп эмас экан, Содиққа тез набат етиб келган қайномага кўз югуртириб фамилиясини топмади. Хайрон бўлиб Махмуд акага қаради.

— Ҳозир! Балки варақнинг у томонида қўшимча қилиб ёзилгандир, — деди у. Ва ҳамма варақларни кўздан кечириб чиқди. Йўқ!

— Энди ука, ҳисобхонадан бориб суриштирасизда. Исм-шарифингизни тасдиқлаш тушириб қўйган бўлишса, дарров қўшимча ведомостга киритиб беришди, — деди яна Махмуд ака.

Содиқ илгарироқ ҳисобхонадагилар ва бош ҳисобчи билан бўлиб ўтган муносабатлар ҳақида ўйлаб кета бошлади... Ушанда, бир йилча бурун малака оширишга кетаётганда ҳам ўн беш кун сарсон бўлиб юрган, бош ҳисобчи олди-га, сўнгра проректор ҳузурига киришга мажбур бўлгани, йўл қирани зўрга ундирганини эслади. Тўрт ой муддат ўқиб келган эса, бошқа сарф-ҳаражатларни ҳам беришни ваъда қилишган кишилар, ҳатто суткалик ва ётоққа ўз ёнидан тўлаган пулларни ҳам қоллашни қўшмамагандилар, Содиқ роса сарсон бўлиб, ун ой деганда пулини ярим-ерти ундирган эди-ю, боши галвага қолганди... «Мана, ушандаги қилиқлари, тазйиқларининг давоми» деб кўнгли хижил бўлди унинг...

— Ғайратжон ука! — деди у ҳисобхонадаги ходимга қимтиниб. — Иسمи қайномага ёзилмай қолди кетибди, нима гап, тўғриласа бўладими? Пул зарур эди!...

— Э, домла, қизиксиз-а! Тушиб қолган бўлса кейин бирварақ олаверасизда, нима шу аванга қараб қолганмисиз? — деб мингирлади ходим, унга қарамай қўғозларни титқилди экан.

Содиқ ҳисобчи билан гаплашиб бехуда эканини сезиб чиқиб кетди. Демак, Содиқнинг иши бу сафар ҳам қорисмаслиги аниқ... Унинг тахминлари тўғри чиқди, уч кун катнади, чунки улар эрта кел, индин кел деб роса лақиллатишди. Ба-

рибир маошни кейинги ойга бирварақай оласиз деб, «юпатган» бўлишди. «Ичларида» эса қувонишди. Энг аламли томони эса, тазйиқ ўтказувчилар уни иқтисодий жиҳатдан эзиб қийнамоқчи бўлишганда эди...

Содиқ учинчи кун институтдан чиқиб, пиёда кета бошлади. Йўл-йўлакай қолган пулини кейинги ойга қандай харжлаш ҳақида ўйлаб борди. Боғ томонга бурилади. Анҳор бўйида кета бошлади. Сувдан чиқаётган бугга тикилди. Дараклардан оқиб тушаётган яккам-дуккам барглarga назар

солди. Ҳеч қайсиси кўнглини қўтарувчи таъсир қилгани йўқ, қайтаган юрғи сиқилиб бироқ санча бошлади. Кўприкка яқинлашган йўлнинг нариги томонида ўриндиқда ўтирган бир киши имлагандек бўлди. У яқинлашиб салом берди. Нотаниш киши соқоллари қордек оппоқ чол экан. Нимага чақирганини аңғолмай астагина ёнига ўтирди.

— Негадир хомуш қўринадан ўғлим! — деди дабдурустдан. — Қараб турибман юрган-да бир оз гандирақлаб ҳам бораёсан, аммо мастга ўхшамайсан. Сени ё биров хаф қилган, ё турмуш ташвишлари гандитиб қўйган. Гапимга хафа бўлма, балки ундай эмасдир?..

— Чол кўнгида тушган чиройли соқолни тутлаб Содиққа ер остида қараб қўйди. Унинг нигоҳидан қандайдир бир ийлик, самимийлик нурлари таралгандек бўлди. Сўзлари ҳам худди бир майин аллоловчи, таскин берувчи кўча эга эканлиги сезила бошлади. Содиқ чол билан илгаридан танишдек ҳис қилди ўзини, ҳатто

ёшларда эдим. Эски шаҳар бозори ёнбошига жойлашган нововоҳонаси бор уста нововоҳа шогирд эдим. Ҳар кун бир қоп ўнни нон қилиб ёпар эдик. Очарчилик йиллари эди. Бир кун мўлжалдаги ўнни олиб келишмади. Устозим мени ана шу ердаги тахтакўприқнинг бериги ёнига эски шаҳардан олиш-у арава келмай қолгани учун олиб боришининг иложини тополмай туришган экан. Тегирмондан ташқарига чиқиб, «Мен олиб бориб берай!» деб ялиниб турган ўн чоғли ҳаммолларни кўрдим. Уларнинг орасида ёш, бақувватлари, ўрта ёшлилари, қари-қарангларини ҳам бор эди.

— Ўғлим мени ёллай қол, эски шаҳарга аниқ узоқ бўлсам дарров олиб бориб бераман, йўқ дема! — деди қариялардан бири. Бошқалар унга ҳайрихоҳлик билан нари

кеттишди. Мен хизмат ҳақини қанча беришим кераклигини сўрай бошладим...

— Кўп олмаман, бўтам! — деди қария, мўлтираган кўзлари яширишга интилиб уёқ-бўёққа олазarak қарар экан. — Етиб борганимизда яримта нон берсанг, иссиқ чой ичирсанг бас!

— Ота, сизга қийин бўлади-ми, деб турибманда, ўриниб қолмасангиз бўлди...

— Йўқ, қийналмайман, — деди у ишдан ажраб қолаётгандек шошиб ва белига чопинининг ичидан боғлаб олинган қалин, икки қулоч келади-

кеттишди. Мен хизмат ҳақини қанча беришим кераклигини сўрай бошладим... — Кўп олмаман, бўтам! — деди қария, мўлтираган кўзлари яширишга интилиб уёқ-бўёққа олазarak қарар экан. — Етиб борганимизда яримта нон берсанг, иссиқ чой ичирсанг бас!

ган арқонни тез ечиб қўлларига олди. — Мана, елкалаганда тутиб туришни учун арқоним ҳам бер...

Боравер ўғлим, мена қарамай кетавер, дўқонингда қутиб ўтир. Ё ишонмайсанми? — деди у совуқда қотган кўларини «кух-кух-лаб» чопони барига суртат экан қулишга ҳаракат қилиб. Сөзби турибман... Ана, қоп орқалари киши қўриқди. У сув устидаги кўприкка етиб келиб, унинг четига қоқилган, одамлар сувга тушиб кетмаслиги учун ўрнатилган бақувват тахтага қопини қўйиб дам ола бошлади. Жуда чарчаган кўри-

Ҳикоя




ҲАЁТ МАНБАИ НИМА?

ЭНИГА: 7. 30 йил подшоҳлик қилган Эрон ҳукмдори. 8. Гилдлард тўғини ясаш учун ишлатиладиган қайрағоч. 9. Испанча рақс мусикаси. 12. Урик нави. 13. Чекса бўладиган тоғ. 14. Организмдаги ҳаёт манбаи бўлган модда. 16. Аёлларнинг жону — дили бўлган нарсаси. 17. Иш, машғулот, ҳунар. 18. Пайгамбар. 19. Диндорлар қиядиган бош қийми. 20. Ширинлик. 22. Юнон мифологиясида худолар ҳукмдори. 24. Нерв ҳужайраси ўсимтаси. 27. Қитъа. 29. Аниқ, равшан, бемалол. 30. Қакра апельсин. 31. Физиканинг бир бўлаги. 32. Олма нави.

БЎЙИГА: 1. Кенгаш, маслаҳат. 2. Қозғистондаги шаҳар. 3. Шифобахш кўкат. 4. Хон келиши олдида халқни оғоҳландирувчи киши. 5. Қурама тизмасидаги дово. 6. Болаларнинг тупроқ уйини. 10.

Ўрта Осиёдаги ўрта асрлардаги шаҳарнинг асосий қисми. 11. Туркиядаги шаҳар. 14. Жума кунини туғилган қиз. 15. Тропик мева.

21. Ўрусиядаги шаҳар. 23. Испаниядаги қадимий шаҳар. 25. Қўримсиз уй, хона. 26. Сувда яшайдиган жонивор. 28. Тўрт математик



29. Қўй ёки эчки сўтидан тайёрланган шўртанг хўрак. Тузувчи: Тожиали УМАРОВ, Зантиота ТУМАНОВ.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 6-ДЕКАБРЬ СЕНИДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ ЭНИГА: 7. Барқзан. 8. Сарханг. 10. Чиноқчи. 11. Қакра. 13. Истик. 14. Ашула. 16. Атаман. 17. Талант. 18. Батуми. 19. Ободон. 21. Нотик. 22. Диана. 24. «Самнам». 26. Каннара. 28. Мусохиб. 29. Ошқалол.

БЎЙИГА: 1. Тақдир. 2. Бахсус. 3. Паргана. 4. Ганч. 5. Дари. 6. Антракт. 9. Доруссалтана. 12. Арматура. 13. Иллинои. 14. Анилин. 15. Атанок. 18. Бризгун. 20. Нуакшот. 23. Ногора. 25. Анкара. 26. Крит. 27. Ашша.

«Ўзбек Давлат шарки» республика бирлашмаси Тошкенбод Эганбердиев номидagi

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

«ТУФИН» ҚЎШМА КОРХОНАСИ БИЛАН

ХАМКОРЛИҚДА

2000 йил 24 ДЕКАБРЬ – 2001 йил 10 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ

«ЦИРКДА АРЧА» янги йил

ТОМОШАЛАРИ ЎТКАЗАДИ.

САНТА КЛАУСНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САРТУШЛАРИ.

БОЛАЛАР СОВФАСИ «ТУФИН» ҚЎШМА КОРХОНАСИДАН.

ТОМОШАЛАР СОАТ 10, 12, 14, 16 ВА 18.00да

БОШЛАНАДИ.

Олдиндан чипта сотиш ташкил қилинган.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассалари томонидан сотилмоқда.

ЖАМОА БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ТАЛАБНОМАЛАР қабул қилинади.

КАССА СОАТ 9.00дан бошлади.

Маълумот олиш учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-35-33.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Хусусий тадбиркор Риезав Элдор Сахаветович»нинг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «ЛАФЗ» жамоа корхонаси томонидан Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрининг тартибга солиш Бош бошқармасига Ер қадошти гувоҳномасини олиш учун тайёрланган ҳужжатлар йўқолгани сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Ха вами халқ корпорацияси жамоаси ҳўжаликка узоқ вақт рақиблик қилган меҳнат фахрийи.

Алексей Елисеевич Тёнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

«Тошвилмелисувқурилиш» трестига қарашли 5-механизациялашган кўма колонна жамоаси шў колонна бошлиғи Руслан Пайзуллаевич Сайткановга падари бурзуқвори

Пайзулла отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:

700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

● Элон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва элон берувчилар масъулдир.